



ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ
АКАДЕМИЯСИ



КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ



“ЎЗДОНМАХСУЛОТ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**САНЪАТ ВА БАДИИЙ ТАЪЛИМНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИ
МАЪНАВИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ ЁРНИ**
халқаро илмий-амалий конференцияси

**РОЛЬ ИСКУССТВА
И ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ
В ДУХОВНОЙ МОДЕРНИЗАЦИИ
СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА**
международная научно-практическая конференция

**THE ROLE OF ART AND ART EDUCATION
IN SPIRITUAL MODERNIZATION
OF CONTEMPORARY SOCIETY**
international scientific-practical conference

ТОШКЕНТ - 2018

Бугунги кунимизда Республикамизда тери, чарм юзасида босма безак босиш, папье-машеда локли миниатюра ишлашга жрибасига эга, юқори салоҳиятли уста ва мусаввирларимиз бор. Давлатимиз музей ва кутубхоналарида сақланаётган муқовасиз қўлёзмалари умрини узайтириш мақсадида уста, мусаввирларимизни жалб қилиб, қўлёзмаларни анъанавий усулда муқовалаш мумкин.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА АМАЛИЙ САНЪАТ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ МАҚСАДИ

С.Саидова,
Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ
Амалий санъат факультети декани
(Ўзбекистон)

Annotation: This article analysis applied art and its educational goals and the current emphasis on the industry during the modernization process. As well as, this article provides information about restoring our spiritual values, about wide opportunities, which have been created in studying and continuing the heritage of our ancestors in the field of architecture and applied art.

Ўзбекистонда амалий санъат кўп асрлик тарихга эгаллиги сабабли мамлакатнинг қадриятлари, этник урф-одатлари, анъаналари, илм-фан, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз ва қадимий меросимизга қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак. Шу мақсадда республикамиз ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг жаҳон андозалари асосида ҳар томонлама ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, миллий қадриятларимиз, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Амалий санъат негизида янги талқиндаги санъат асарларининг вужудга келиши баркамол инсон камолоти ва унинг ривожланишида муҳим тарбиявий мақсадни белгилайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ўзбек амалий санъати, унинг нодир асарлари, халқ усталарининг меҳнати, санъати, шу санъатга хос мактаблар, соҳанинг ўзига хослиги, услубларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда амалий санъатнинг барча турлари мураккаб ва серкирралиги билан ажралиб туради. Амалий санъат истиқлол даврига келиб, мафкуравий ва ғоявий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар сингари тезкорлик билан ривожланмоқда. Ижобий тарғиботлардан келиб чиққан

ҳолда, амалий санъат ўз анъанавийлигини давом эттириб келаётганлиги ва шу билан бир қаторда бугунги модернизация жараёнида янги технологиялар ва инновациялар натижасида ривожланаётганлиги юртбошимиз томонидан чиқарилаётган қатор фармон ва қарорларида ўз аксини топган.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 16 августда имзоланган “Ўзбекистон Бадиий Академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3219-сонли Қарори ҳамда 2017 йил 17 ноябрда имзоланган “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармонлари ҳам эътиборга молик

Гап амалий санъат ҳақида борар экан, авваламбор, амалий санъатнинг асоси бўлган тупроқнинг одам яралган илоҳий унсур эканлигидан бошламоқ лозим. Инсон ҳам ўз ижодини тупроқдан бошлагани, амалий ва тасвирий санъатнинг ибтидоси лойда амалга оширилгани, унинг ватани – уйи, кўрғони ва қалъалари, илк рўзгор буюмлари лойдан бино бўлгани санъат ва адабиётда юзлаб фалсафий тимсолларга эврилган.

Амалий санъат турларидан ҳисобланган бадиий кулолчилик санъатининг пайдо бўлишидан тортиб, бугунги кунга қадар бўлган ривожланиш жараёни ёшларда маданий-тарихий меросни сақлаш, хусусан, баркамол шахснинг маънавиятини юксалтириш, ёш иқтидор эгаларининг ижод чўққиларини забт этишлари йўлида кенг кўламдаги ишлар амалга ошириш, меҳнат ва нафосат тарбиясини янада чуқурроқ сингдирган ҳолда маънавий комилликни шакллантириш соҳанинг асосий мақсадидир. Бундай мақсадларни амалга оширишда энг аввало амалий санъатнинг назарий асосларига оид билим, кўникма ва малакага эга бўлиш лозим.

Амалий санъат соҳаларини ёшларга ўргатишда Ўзбекистон Бадиий Академияси тасарруфидаги Камолиддин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти, Амалий санъат факультетининг фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. 1997 йилда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти ташкил этилиши билан унинг базасида Амалий санъат факультети ўз фаолиятини бошлаган.

Бугунги кунда Амалий санъат факультети бакалавр босқичининг учта таълим йўналиши (амалий санъат, ҳайкалтарошлик, дизайн) бўйича юкори малакали мутахассис кадрлар тайёрловчи таянч факультет ҳисобланади. Факультетда бакалавр босқичининг Реклама ва амалий графика, Компьютер графикаси ва бадиий фото, Бадиий кулолчилик, Меъморий ёдгорликлар беагини таъмирлаш, Амалий санъат асарларини таъмирлаш, Ҳайкалтарошлик каби жами 6 тайўналишлар бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрланади.

Шунингдек, факультетда магистратура босқичи бўйича Ҳайкалтарошлик (маҳобатли) ҳамда Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликлар беагини таъмирлаш мутахассисликлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев хузурида 2017 йил 25 декабр куни Маданият вазирлиги ва Бадиий академия раҳбарларининг ҳисоботларини муҳокама қилиш юзасидан ўтказилган мажлис баёни (2017 йил

С.Саидова МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА АМАЛИЙ САНЪАТ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ МАҚСАДИ.....	136
Р.Норчаев БАДИИЙ ТАЪЛИМДА УСТОЗ-ШОГИРД МУАММОЛАРИ	138
Д.Ташходжаева ЎРТА АСР КУЛОЛЧИЛИГИДА КЎЛЛАНИЛАДИГАН СИРЛАРНИНГ ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ	141
С.Пирматов РОЛЬ ТИПОГРАФИКИ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ИСКУССТВА	143
У.Матмухамедов ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В СФЕРЕ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	148
Р.Халилов ТЕОРЕТИКО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМУ ИСКУССТВУ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ ОБРАЗОВАНИЯ	151
Д.Азизов ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ РИСУНКА	154
Ш.Жуманиязов ЮРТИМИЗ МАҲОБАТЛИ САНЪАТИНИНГ ЭВОЛЮЦИОН ЖАРАЁНИ ХАКИДА	161
Ў.Саидов МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ТАСВИРИЙ САНЪАТДА КОМПОЗИЦИЯНИНГ ҒОЯВИЙ БАДИИЙ ЕЧИМИ.....	164
N.Tursunaliyev, B.Nig'monov, S.Ro'ziyev TASVIRIY FAOLIYATGA O'RGATISHNING METOD VA USULLARI	166
Ғ.Мамбеткадиров ҚОРАҚАЛПОҚ ДАСТГОҲЛИ ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ.....	170
Н.Алиева ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЛК БОСМАҲОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ РИВОЖИ ВА АҲАМИЯТИ.....	172
С.Курбанов ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ УЗБЕКИСТАНА В XXI в.....	175
U.Zupunova HANDICRAFTS MARKET OVERVIEW	178
Т.Ахмедов ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ РИВОЖИДА УСТОЗ ВА ШОГИРД АНЪАНАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	182
М.Шарифжонов БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА ИНСОН БОШИНИНГ ХОМАКИТАСВИРИНИ ЧИЗИШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ.....	184
Н.Абдуллаева ИЖОДКОР МАҲОРАТИНИНГ ЮКСАЛИШИДА ЎЗ УСТИДА ИЗЛАНИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	188
С.Саидалиев, Н.Нурматов ДИДАКТИК ВОСИТА СИФАТИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ҚОНУН ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТУШУНТИРИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ МАТЕРИАЛЛАР	191
У.Маматов ПОРТРЕТ АМИРА ТЕМУРА, СОЗДАННЫЙ МАСТЕРОМ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНАМАЛИКОМ НАБИЕВЫМ.....	194
Y.Narziyeva DEFINITION OF HANDICRAFTS FROM MARKET POSITIONING	198
Н.Хайдарова МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА АНИМАЦИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ	201
Р.Холиков ХХІ АСР РАНГТАСВИР САНЪАТИДА НАТЮРМОРТ ЖАНРИ	205
2-ШЎЪБА: САНЪАТШУНОСЛИК ВА БАДИИЙ ТАНҚИДЧИЛИКНИНГ МЕТОДОЛОГИК ПОТЕНЦИАЛИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ	209
С.Грачева СОВРЕМЕННОЕ ИСКУССТВОВЕДЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В РОССИИ: ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ	209
З.Рахимов МАХМУД МУЗАХХИБ- ВЕДУЩИЙ ХУДОЖНИКБУХАРСКОЙ ШКОЛЫ XVI в. ...	214
С.Алиева ХУДОЖЕСТВЕННАЯ КЕРАМИКА УЗБЕКИСТАНА В АСПЕКТЕ РАЗВИТИЯ И СОХРАНЕНИЯ ТРАДИЦИОННЫХ ЦЕНТРОВ	219
Yu.Mengqun APPLICATION OF CULTURAL FACTOR ANALYSIS TO CHINESE CONTEMPORARY ART REVIEW – TAKE ARTIST LIU YONGGANG AS OBSERVATION OBJECT	226
М.Карпенкова ВЕКТОРЫ РАЗВИТИЯ ЖАНРА НАТЮРМОРТ В БЕЛОРУССКОМ СОВРЕМЕННОМ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ.....	231
С.Қодирова ЎЗБЕК ҚЎГИРЧОҚ ТЕАТРИ САНЪАТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ	235
Н.Каримова ВЕКТОРЫ РАЗВИТИЯ ИГРОВОГО КИНО УЗБЕКИСТАНА	241